



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 10 ноябрь, № 240 (8020)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган "Инсон қадрини унун" деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфра-тузилма ташкил этишни назарда тутди. Шулардан бири ма-лакали тиббий хизматдан баҳра-манд бўлишдир.

Бу соҳадаги режалар ҳақида Шавкат Мирзиёев сайловли учрашувларида айтган эди ва уларнинг ижросига киришилди. Ушбу йиғилиш ҳам тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривож-лантириш, энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган касал-ликларни эрта аниқлаш, мақсад-ли скрининг тадбирлари ўткази-ши масалаларига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу соҳадаги камчиликлари танқидий кўрсатиб ўтилди.

— Халқимизнинг соғлиги ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган энг бебаҳо бойлигимиздир, — деди Президент. — Шу боис тиб-биётни халқимизни рози қила-диган тизимга айлантириш бўйича катта марраларни бел-гилаб олдик. Бунинг учун бир-ламчи бўғинга ажратиладиган маблағларни 2 баробар оши-риб, аҳоли ўртасида кенг тар-қалган касалликларни камайти-риш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз.

Йиғилишда соҳадаги вазифа-лар кардиология йўналиши ми-солида кўриб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, 30-70 ёшда-ги аҳоли ўртасида ўлим ҳолат-ларининг 53 фоизи юрак-қон томир касалликларига тўғри

келмоқда. Сўнгги беш йилда бундай касалликлар 20 фоизга, жумладан, ёшлар орасида ҳам кўпайган. Умуман, 4 миллионга яқин аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари аниқ-ланган бўлиб, умумий аҳоли-нинг 12 фоизини ташкил этади.

Шу боис юрак-қон томир ка-салликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали да-волаш бўйича янги тизим жо-рий қилиниши белгиланди. Унга кўра, келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли оилавий по-ликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади, туман лаборатория-лари коагулометр ва зарур ре-активлар билан таъминланади, юрак-қон томир касаллиги аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилади, эҳтиёжманд аҳолига дорилар бепул тарқатилади.

Бу мақсадлар учун келгуси йилда ҳар бир туманга 350 мил-лион сўмдан, жами 70 мил-лиард сўм ажратилиши мўлжал-ланган. Умуман, бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюм-лар учун 580 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқ-да. Бу жорий йилги харажатлар-дан 3 баробар кўпдир.

Президентимиз оилавий ши-фокорлар ва ҳамшираларни юрак касалликларини эрта аниқ-лаш ҳамда даволаш бўйича кўшимча ўқитиш муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси йил 1 июлга қадар туман, вилоят ва республика да-ражасида даволанадиган касал-ликлар рўйхати тузилиб, шу

асосда режали даволаш йўлга қўйилиши белгиланди. Бунинг учун туман шифоналари 4 тур-даги кардиология усуналари билан таъминланади. Натижада кўрсатиладиган хизматлар тури 5 тадан 15 тага ошади.

Республика ихтисослашти-рилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиалларида эса хиз-матлар 15 тадан 35 тагача ет-казилади. Хусусан, Хоразм ви-лояти филиали кўшимча жи-ҳозланиб, барча жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имко-нияти яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани босқичма-босқич бошқа вилоятлар ва Қорақал-поғистон Республикасидаги шифоналарда ҳам йўлга қўйиш, ихтисослаштирилган кардиология хизматларини ҳудудларга ташириш зарур-лигини таъкидлади.

Йиғилишда Республика их-тисослаштирилган кардиоло-гия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти ҳам танқи-дий кўриб чиқилди. У ерда превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика каби йўналишларда янги лаборато-риалар ташкил этиш, хориж-даги етакчи клиникаларда шифокорлар малакасини оши-риш бўйича топшириқлар бе-рилди. Ушбу марказни транс-формация қилиб, кўп тармоқ-ли шаклга ўтказиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, юрак-қон томир касалликларининг асосий са-бабларидан бири — нотўғри турмуш тарзи. Тўғри овқатла-

ниб, кўпроқ пиёда юрадиган одамларда бундай хасталик кам учраши халқаро илмий ташкилотлар томонидан исботланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг фойдасини янада кенг тарғиб этиш, тўғри овқатланиш ва жисмоний машғулотларни одамларнинг одатий ҳаёт тар-зига айлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда "Соғлом турмуш тарзи" платформаси ташкил этилган эди. Бугунги кунда ун-дан фойдаланувчилар 600 минг нафарга етди, уларга 18 мил-лиард сўм тўлаб берилди. Мо-лия вазирлигига келгуси йилда бу тизимдан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш учун 60 миллиард сўм ажратиш бўй-ича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳудуд раҳбарлари тўпланган-дан фойдаланиб, аввал берил-ган топшириқлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ёш авлод билан манзилли ишлаш учун ҳар бир маҳаллада вилоят ҳокимининг ёрдамчиси — ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши белгиланди. Улар йигит-қизлар муаммола-рини ҳал этиш, касб ўрганиши ва бандлигига қўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан шуғулланади.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг бажарилиши кўриб чиқилди. Ҳокимлар ва му-тасадди ташкилотлар раҳбарла-ри дарахт ва кўчат экиш ишла-рининг бориши тўғрисида ахборот берди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳрида ўтказиладиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 11-12 ноябрь кунлари Туркия Республикасида ташриф билан бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув кун тартибидан Кенгаш доирасида-ги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо, инвестициялар, "яшил иқтисодиёт", рақамли техно-логиялар, транспорт ва коммуни-кациялар, маданий-гуманитар алма-шинув соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Ташкилот фаолиятини янада тако-миллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Саммит якунида ҳамкорлик самара-дорлигини ошириш ва устувор йўна-лишларда кўп томонлама шериклики мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳуж-жатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташрифи дастурида Истанбул шаҳрида қатор икки томонлама учрашувлар ўткази-лиши ҳам кўзда тутилган.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши 2009 йилда ушбу тузилмага аъзо мамлакатлар ўртасидаги муно-сабатларни ҳар томонлама мус-таҳкамлаш мақсадида тузилган.

Бугунги кунда Кенгашга Ўзбекис-тон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғис-тон ва Қирғизистон аъзо. Мамлака-тимиз ташкилотга 2019 йилда қўшил-ди. Венгрия Туркий кенгашда куза-тувчи мақомига эга.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРИ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳрида ўтказиладиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг (ТТДЖ, Туркий кенгаш) навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 11-12 ноябрь кунлари Туркияда ташриф билан бўлади.

### Саммит олдида

Олий даражадаги учрашув кун тартибидан Кенгаш доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо, инвестициялар, "яшил иқтисодиёт", рақамли техно-логиялар, транспорт ва коммуника-циялар, маданий-гуманитар алма-

шинув соҳаларидаги алоқаларни кен-гайтириш масалалари ўрин олган. Ташкилот фаолиятини янада тако-миллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.



### Долзарб мавзу

## КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНМОҚДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу тузилма аъзолари, сенатор ва депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т. Норбоева кириш сўзи билан очди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг Президентлик лавозимига киришиш тантанали маро-симига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан "Ҳаракатлар стратегияси-дан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосида келгуси беш йил учун мўлжалланган етти устувор йўна-лиш, жумладан, коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгилаб берилди.




### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ?

Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Тегишли соҳа вакиллари, депутатлар иштирок этган тадбирда Парламент комиссияси томонидан бешта ма-сала кўриб чиқилди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спи-керининг биринчи ўринбосари, Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов кириш сўзи билан очиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми-ни янада такомиллаштириш, бу йўналишда парламент, ҳуқуқат ва фуқаролик жамияти институтларининг ама-лий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.



Президент Мирзиёев томонидан ташланган дадил қадам, узил-кесил қабул қилинган адолатли қарор бизга ҳам миллат қуриш, ҳам миллий давлат барпо этиш йўлида ҳаракат бошланганини англатади.

Нимага десангиз, истиқлолга эришганимиздан кейин ҳам биз узоқ йиллар иккиланиб келганимиз — кимлик (идентитет) масаласини аниқлаштириб олишда халақит қилаётган мустабид (колониал)лик зулмининг тафаккурдаги асоратларидан халос бўлишга, уни кўрқмай инкор қилишга ўзимизда куч топа олдик.

Бу — моҳиятан жуда катта галаба. Қиёсан ҳисоблаганда, иқтисодий-сиёсий мустақилликдан асло кам эмас. Зотан, манкуртлик — қалб ва тафаккур қуллиги жисмоний қулликдан аянчлироқдир...



Қудратилла РАФИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос

## ТАФАККУР МУСТАБИДЛИГИ — ЖИСМОНИЙ ҚУЛЛИКДАН АЯНЧЛИРОҚДИР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Ҳусан Эрматов суҳбати

2, 3-саҳифаларда ўқинг.

— **Кудратилла Мирсоатович, янги тарихимизга кескин ўзгаришлар, янгиланишлар даври сифатида қирадиган беш йил ортда қолди. Халқона айтганда, галвир сувдан кўтарилди. Сиз бир тажрибали инсон, малякали сиёсатшунос, қолаверса, ушбу жараённинг ичида «қайнаган» одам сифатида ўтган даврга қандай хулоса берасиз ёки биз кечаги кунлардан нималар ютдик, нималарни ўзгартира олдик?**

— Агар сиз эришилган, ҳаётимизда моддий жиҳатдан аксланиб турган муваффақиятлар ҳақида сўраётган бўлсангиз, бу тўғрида менинг гапирганим ортиқча, деб ўйлайман. Негаки, буни ҳаммамиз, кенг жамоатчилик кўриб, билиб турибди. Қолаверса, эндиликда қилинган ишни байроқ қилиб чогадиган даврлар ҳам ўтгандай... Одамлар ҳам бунга кўникиди.

Оддий бир мисол келтирмаган, неча ўн йилларки, сиз билан биз суҳбатлашиб ўтирган айни дамлар бутун мамлакатда ялли сафарбарлик — пахтага қуллигимиз рамзидек ифодаланганига кўникиб кетгандик. Пойтахтдаги казо-казолардан тортиб, мактаб ўқувчилари-ю, қочирим билан айтганда, чойхонадаги чолларга чалага ҳайдардик, чиқмаган одам олаётган «имтиёзи» учун ҳақ тўларди. Қизиқ, ўша даврда маърака, тўй қилишга руҳсат берилмасди: гўё бу «зарбдор фронт»даги унумга таъсир қиладигандай...

Энди мана, сиз ҳозир менга айтинг, бу йил мамлакат пахта режаси қанча эди-ю, қанчага бажарилди? Билмайсиз, сизда буни билишга эҳтиёж ҳам, онгингизга маънавий-мафкуравий «рецепт» сифатида мажбуран тижштирилаётган ахборот ҳам йўқ: пахта энди на сиёсат ва на мафкура; шунчаки бир зироатчилик ўсимлиги, керак одам экиб, йиғиштириб фойдасини олаётир.

Факт шуки, вақтида жуда мураккаб, ҳаёт-мамот масаласи тарзида талкин этилган тамойиллар ҳамирдан қил суғургандай силлиқ битиши ҳам ва унинг оғриқли жараҳатлари тезда битиб кетиши, унутилиши ҳам мумкин экан.

Ҳа, бугун бу гаплар жуда жўн нарратив сифатида қабул қилинади. Бироқ бир нарса борки, у бизни биз англаган, эга бўлдик, деб ҳисоблаётганимиздан кўра кўпроқ «янгилади». Яъни ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар «матн ости», дейлик жамиятнинг номоддий устуни ва ўзаги ҳисобланмиш руҳиятимиз ва дунёқарашимизни ўзгартириб юбораётгани ҳақида етарлича ва ҳатто бир-биридан қизиқари мулоҳазалар билдириши мумкин. Энг аввало, бу — давлат сиёсатидаги риторика — «оҳанг» ўзгариши билан боғлиқ.

Буни образли қилиб, соддагина мана бундай изоҳлаш мумкин: давлат, айтилиқ, бир мусавир сифатида бажараётган ишига назарни ўзгартирди. Масалан, рассом қалам юритаётган чорчўлдаги холста манзарадан кўра, инсон, тирик инсон образи кўзга бўртиброқ кўрина бошлади. Политрадага ранглар хилмаҳиллиги ортди. Мусавир эълборни асардаги асосий персонаж — инсонга қаратди. Ва бу жараён умумманзарани ҳам, турмушдаги кайфиятни ҳам ўзгартириб юборди.

Дунё қиёфаси мавхумлашган, шахсий ғам-ҳасратлар оммавий эҳтирослар тағида кўринмай қолган, бунинг устига, биқик бир «вакуум» (жамият)да бундай деконструкциянинг амалда қўлланилиши нафақат дунёқарашларни янгилади, балки жамият тийнати — табиатини ҳам ўзгартирди.

Энди одамлар, юқорида айтганимиздай, кечаги ситали хотиралар устида мотам тутмай, йўл берилган тафаккур ва дунёқарашнинг янги элқинларига эш бўлиб кетиши: ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида ҳадиксирамай ва бандроқ гапирила бошланди. Оғир муаммолар, камчиликлар ва умуман, ҳаёт, тирикчилик, сиёсат очик умуммуҳокамалар марказига кўчди. Энг муҳими, бу мунозаларани эшилтадиган давлат «пайдо» бўлди.

Кўпчилик «мустақил бўлганимизга ўттиз йил бўлаётир, бироқ биз баъзи қўшниларимиздан кўп жиҳатдан, айниқса, сиёсий тафаккур нуқтаи назаридан ҳам ортда қолиб кетдик, сабаб нимада?», деб ажабсинади.

Бунга аниқ ва лўнда жавоб бериш қийиндир, бироқ тахминлар биз хоҳлаганимиздан мўлроқ, аввало, ундай одамлар назарда тутаётган тараққёт динамикасини мустақиллик тонгидан бошлаб «чўтга ташлаш», менимча нотўғри. Яъни Ўзбекистоннинг чорак асрлик янги тарихидаги ташқи сиёсатида, иқтисодиётида, жамиятнинг, агар шундай аташ мумкин бўлса, руҳониятида ҳам изоляциясим сиёсати ҳукмронлик қилди. 90-йиллар бошида сиёсий қатламда пайдо бўлган, кишида бир оз умид уйғуртувчи амбивалентлик — турланиш ва оғманчилик ҳам кўп ўтмай барҳам топгандай бўлди. Хуллас, босиб ўтган тарихимизда жиддий маънода, очиклик, ақсарият таҳлилчилар постсовет жамиятларга ривожланишининг асосий ўнсури белгиси сифатида кўрадиган «европапарастлик» кузатилмаган.

Ҳа, самимият ўта мўрт ва муваққат эди. Ҳатто ҳозир тилга олганимиз илк постсовет йилларида ҳам. Чўқуроқ уйлсангиз, тасаввурингизда жуда галати манзара ҳосил бўлади. Юқоридаги мулоҳазаларнинг давоми сифатида айтишим мумкинки, биз мустақиллик кўлга киритилгандан кейин ҳам давомилик иккиланш ва шубҳаланиш (скепсис)лардан қутула олмадик.

Бу, назаримда, мафкура билан боғлиқ эди. 1991 йилда коммунистик мафкура диктатидан воз кечилгандан кейин жамиятда ҳам, сиёсатда ҳам аланачақ бўлиқ пайдо бўлди. Шубҳага қурилган ушбу кетмик бизни тор доира ичида айланди, кўнгилдаги қатъиятнинг турмуслигига хизмат қилди. Лекин ажабланишлари шундаки, шундоқ ҳолатда ҳам бизда Европадан улгу (парадигма) олиш, уларга ўхшашига интилиш майлларни сезилиб турарди.

Айниқса, совет замонасининг эскирган маданий-маънавий ҳаётида (жамиятда) уникиб кетган «декорацияларини» европача «панно»ларга алмаштириш қизгин кечган ҳамда ўз даврида, том маънода, коммунистик тартиб-қонидлардан зериккан социумларга, жумладан, биз ашаётган жамиятга ҳам ўзгача руҳ берганди. Бироқ бу ўзаги хос дилемма эдики, яъни биз ё мустамлакачилик хотиралари билан ашашимиз ёки Фарб аъналарини ва қадриятларини қабул қилишимиз, дунёга очилишимиз керак эди. Қолаверса, бизда яна бир кучли истак бор эдики, у тақрибан Кремль таъсиридан нари бўлиш, ҳеч бўлмаганда, ўзини шундай кўрсатишга уринишни англатар эди.

Бу ўзаги хос усул — десовветизация — совет тутумларидан воз кечишга йўналгани билан ўта жозибали туюларди. Лекин Фарб жамиятларининг либерал ҳаёти фавуқлода биз учун хавфли деб ўйланди шекилли, бирварақайига ундан қўлни тортиш бошланди.

Тўғриси ҳам, Фарб қадриятлари, айниқса, демократияси турли лаш-лушларга ўралашиб ўрнашиб олгач, палак ёйиб кетса, нима бўлади, деган жавоби мураккаб бўлган савол ҳам йўқ эмас эди. Эҳтимол, шу ҳадик боис, Фарб сари «юрши» ими-жимиди тўхтади. Бу нафақат тизим ва жамиятдаги ислохотлар, ҳатто ижтимоий таъсирлардан хийла холи бўлган соҳалар, масалан, оддийгина меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасида ҳам кўзга ташланди. Тошкентда ўтган асрнинг 90-йиллари бошида қурилган Юнусободдаги «Миллий банк» ва «Интерконтиненталь» меҳмонхонасини ўз ичига олган ансамбль ва унинг биқинидаги «Дисней Ленд» болалар кўнгилоҳар ўйингоҳидан бўлак ўтган 25 йилда Фарб аъналарини ва архитектурасини ўзида жамлаган, «озодлик илҳомини» (модернизм) қудратини ўзида акс эттирадиган бирор иншоот барпо бўлмади...

Назаримда бу иш, яъни Фарбнинг очик таъсиридан юз буриш, қайсидир маънода ўтмишдаги «хато»лардан чиқарилган хулоса меваси бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Гап шундаки, кўпчилигимиз диктатурага асосланган ёпиқ жамиятларни деструктив — бузғунчи ғоялар «емиради» деб ўйлаймиз. Бу қайсидир маънода тўғри. Лекин одамларнинг қалби ва онгини номоддийдан кўра моддий неъматлар ҳам етарлича «бузиши» ва ўзаги оғдира олишига тарихдан мисоллар кўп. Масалан, советлар империясини қулатган омиллар фақат советшунослик фани бизга тинимсиз ўқитиб келган «империалистлар фитнаси» — инсон ҳақлари, демократия, сўз ва матбуот эркинлиги тўғрисидаги ваъзхонликлар эмас, балки ўша ўтган аср 80-йилларида совет чакана бозорлари ҳамда кенг томир отган чайқовчилик тармоқларига Фарб маданияти ўнсурлари сифатида беозоргина кириб келган, «Соса» ва «Pepsi» колалар, «Montana» ва «Texas» жинси шимлари, «Marlboro» сигареталари эди, назаримда...

Булар коммунистик тарғибот машинаси мустақам ишлаётган бир пайтда бизга кириб келган ва дунёда шундай ранг-баранглик ва жозоба бор эканини қулоқларимизга шивирлаган эди... Ҳатто МКда узоқ ва «самарали» етакчилик қилган бироқ Леонид Ильичнинг ўзи ҳам қовбойлар ҳаётига ҳавасманд бўлгани ҳақида латифанамо фактлар бор: эмишкни, бош қотиб Лениннинг қалнин сайланмаларидан бирининг ичинини ўйиб, унга «Marlboro» пачкасини жойлаб, ёнида олиб юрган...

Хуллас, Фарб (Америка) шундай қудратли империяни фақат жимжамдор тарғибот билан қулатмади. Ўз-ўзига махлиё бўлиб қотиб қолган тоталитар тузумни Фарбнинг эркинлашган санаоти, ундаги сифат ва ранг-баранглик, фикрлар ва танлов эркинлиги ич-ичидан емириб борди. Ва охириқибат, диктатурага қурилган монолит тузум худди Нью-Йоркдаги кўш бино сингарии вертикаль тарзда ағанаб тушди...

Мустақилликнинг илк йилларидаги жамиятни ғарблаштириш таъсиридан тезда ўзимизни икоталанишимизга эҳтимол шу факторлар сабаб бўлдимикан, деб ўйлаб қоламан.

Энди бевосита саволигизга келадиган бўлсак, бугун жамиятдаги хатолар аниқ кўзга кўринди. Наинки одамлар, давлатнинг ўзи ҳам бу нуқсонлар ҳақида гапир бошлади. Айтиш мумкин бўлса, шу жиҳат — камчиликларни тан олиш ҳамда уни тузатишга кирилиши (давлат тартиқуляцияси) кейинги беш йилларда кўлга киритган энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Нимага десангиз,

**“ Эсингизда бўлса, мустақилликнинг илк йиллари бизда индивидуализм аломатлари пайдо бўла бошлаган эди. Яъни давлат билан жамият, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатда узиллиш кузатилгандай бўлди. Яшаш ва кун кўриш ташвиши кўпроқ индивидуалнинг зиммасига туша бошлади. Кундалик турмушдаги маънавий доғмалар ўз тусини йўқотиб, давлат асосий «боқувчи»лик мақомидан узоқлашди. Очиғи, ўша маҳал бунга унинг ҳоли ҳам қолмаганиди. ”**

амалга ошириладиган барча ишлар бевосита одамлар билан боғлиқ, Шундай экан, жамиятнинг фикри, ватандошларнинг дунёқарашини ўзгартирмай давлатни ҳам, жамиятни ҳам янгилаб бўлмаслиги кундай равшан. Шавкат Мирмоновнинг ишни настандан — аҳоли орасидан бошлагани, тафаккур ва сўз эркинлигига йўл берганининг сабаби шунда эди, назаримда.

Фикрим шундайки, дунёдаги жамияти мўъжизалар халқга тегишли. Халққа йўл берилса, шароит яратилса, у мислсиз бунёдкорликларга, ижодкорликка қодир. Бир мутафаккир айтганидай, «Халқ — жамияти бойликларни яратувчи кучгина эмас, маънавий бойликларнинг ягона ва битмас-туганмас манбаидир, у заманининг жамияти буюк дostonларини, ҳамма фожияларини ва улардан энг улуги — жаҳон маданияти тарихини яратган, ижодининг бўзалгани ва дохиёна-лиги жиҳатидан бирининг гўлган файласуф ва шоридир».

Халқ ҳақида бундан ортиқ таъриф айтиш мумкинми? Янги ҳукумат шу ҳикматни англади, наинки англади, унга юз бурди. Буюк Қўлпон «...Куюқ очиб халқ ичига бойрайлик», деганиндек ўзининг икболини элнинг бағридан истиди.

Бугун сизу биз кўриб турган янгиланишлар айни шу тамойилдан илҳом ва куч олаётгани шубҳасиз. Масалага мазкур нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, давлатнинг жамият билан яқинлашуви, халқ билан ҳоқимиятнинг жиқлашуви ўтган беш йилдаги нафақат энг улкан ғалабамиз бўлди, балки «Янги Ўзбекистон» ғоясининг руҳоний таянчига ҳам айланди.

— **Тушунарли, Кудратилла ака! Сиз ҳозир мафкура ҳақида гапирдингиз. Бугун давлат сиёсати ва жамият қатламларида тарих ва қадриятларга ўзгача қараш шаклланаётгандай. Буни ўзликини излаш, аввало, ҳам давлатнинг, ҳам жамиятнинг ўз-ўзини таниб олишига бўлган ҳаракати деб айтиш мумкинми? Барибир қайсидир маънода мудом ўзимизга тавсиф, қандайдир ўзлик излаётгандайми...**



# ТАФАККУР ЖИСМОНИЙ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос

— Менинг тасаввуримча, мамлик (идентитет)нинг асосини тил, маданият, тарих, тарихий хотира ташкил қилади. Дин ҳам бу борада муҳим ўрин тутишини назардан қочирмасак тўри бўлади, менимча. Умумий маънода қараганда, мафкуравий вакуум бўлиши жамият учун ҳам, давлат учун ҳам хатарлидир.

Эсингизда бўлса, мустақилликнинг илк йиллари бизда индивидуализм аломатлари пайдо бўла бошлаган эди. Яъни давлат билан жамият, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатда узиллиш кузатилгандай бўлди. Яшаш ва кун кўриш ташвиши кўпроқ индивидуалнинг зиммасига туша бошлади. Кундалик турмушдаги маънавий доғма ўз тусини йўқотиб, давлат асосий «боқувчи»лик мақомидан узоқлашди. Очиғи, ўша маҳал бунга унинг холи ҳам қолмаганиди.

Шундай бир пайтда одамга эриш туюладиган советча «тенглик концепти» барҳам топиб, тирикчилик энди ҳар кимнинг қобилиятига боғлиқ бўлиб қолди. Аъналарга эътибор қунайди. Тил, ўзлик, тарих, миллий қадриятлар (традиционализм) ҳақида кўп гапирила бошланди.

Шуларнинг ўзи ҳам қайсидир маънода мафкура эди. Яъни социумнинг ўзи ўзи учун яратган мафкураси. Бироқ жамиятдан чиққан ушбу ташаббус — иқтисодий либерализм ҳам, индивидуализм ва традиционализм ҳам илқик қотиб олинмади. Хали айтганимдай, ўша пайтдаги сиёсий элита бундан чўчиди.

90-йилларнинг ўрталарига келиб, давлат барча соҳалар устидан назоратни ўз зиммасига олди: энди у бош ислохотчиға айланди. Менинг назаримда, шу йиллардан бошлаб бизда ўзаги соқконсерватизмдан ташкил топган, агар шундай аташ мумкин бўлса, ҳам шаклан, ҳам мазмунан неокланиализм контекстига «ётувчи» тизим шакллана бошлади. У ўтмишдошидан бошқарув иерархиясини сиёсий мерос қилиб олди. Ва бу билан у айни англам нуқтаи назаридан, консерватизм бизнинг мафкурамиз, дегандай ҳам бўлди.

Фақат энди мафкура сўзи сиёсий нуқтардан ҳам, расмий мунозалардан ҳам гўёки чиқариб ташланди. Бу моҳиятан эскиридан кўп фарқ ҳам қилмасди. Масалан, ўша йилларда давлат «совет граждани» эканидан ғашланиб ёки шубҳаланиб аслини, ўзлигини қидираётган жамият йўлини очик тўсди. Миллий ўзлик туйғуси, тарих ва аъналарга қараш миллий хавф сифатида қабул қилинди. Улар ўрнига эски тузумдан қолган гуманитар кадриятлар — «халқлар дўстлиги», «байналмилаллик», «кўп миллатли халқ» деган тушунчаларга зўр берилди.

Албатта, бу ўйланган ва чуқур мантиққа асосланган тадбир эди. Яъни кулаб тушган мафкура харобаларида ўзини излаётган жамиятни Ретрадиционализация — оила қадриятлари, ўз уруғи, этносини сингарии тарихий сарчашмаларга қайтишдан, давлат «радикал миллатчилик» деб ҳисоблаётган хавфдан икоталаб туриши керак эди. Биз тилга олаётган шу қўруқ, афсуски, кейинчалик давлат сиёсатида нафақат муҳим ўрнашиб қолди, балки «фазилат»га айланиб кетди.

Жамиятга совет космополитизмидан-да чуқуроқ ва мужралроқ бир ғош сингидирга бошланди. Унга кўра, биз коммунистик мафкурага алоқадор эмасми, кимлигимизни кўрсатиб беришчи этногенез тушунчаси ҳам шарт эмас. Тўла консерватор ҳам, либерал ҳам эмасми. Бироқ мавжудмиз, мустақилмиз. Эгаменитимизни кўрсатувчи тургомиз, байроғимиз ва яна нималаримиздир бор...

Яқлит бир жамиятда шундай галати, бир-бирини тинимсиз инкор қилувчи симбиознинг бўлиши мумкинми? Одам фавуқлода пайдо бўлган бундай дихотомик назарияни тушуниши қийин эди: биз либерал жамият кўрмоқчимиз ёки консерватив? Ёки бўлмаса, бир постсовет давлат сифатида энди совет ўтмиши хотиралари билан яшаймишимиз ё миллийлик сари юзланамизми, ҳозир қайси босқичдамиз, биз ўзи киммиз, минтақда, дунёда тутган мақомимиз қандай, атрофдагилар бизни ким деб атагани биз учун муҳим? Миллий давлат шакллантирамизми,

миллат қуриш (совет халқидан фарқли ўлароқ) масаласи нима бўлади?..

Зикр этилаётган, асабни таранг қилувчи бу жавоби йўқ саволлар жамиятда ҳам, давлат сиёсатида ҳам ўша сиз айтган тушункисиз манзара ҳукмрон эканини англатарди. Ушбу кўринишлар — иқтисодиётдаги, ички ва ташқи сиёсат, маънавий-мафкуравий ҳаёт ва одамлар турмушидаги маъмуриятни салбий маънодаги давлат протекционизми «озиклантириб» турарди.

Ўз қўбигига ўралиб қолиш, мамлакатни барча «таъсирлар»дан ёпиш ёки шундай деб ўйлаш, бугунги глобаллашган дунёда абсурд ҳодиса, аслида, бироқ санаб ўтилган омиллар қуруқ назария ёки элитар «қарич» бўлмай, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини, унинг табиати (характери)ни узоқ вақт белгилаб келгани ҳам факт. Сиз айтганган деклониал кетсидики кимлик, аъналарини силсиласи, ўтмиш, этник мансублик ёки миллат, миллий давлат тушунчаси ва ҳатто тарихий шахсларга нисбатан қарашларимизни ҳам унинг ўзи белгилаб берди. Ва қанчалик галати эшитилмасин, айнан шу қарашлари билан у ўзи инкор этаётган социал мафкуранинг йўнлиган муқобилига айланди. Қизиқ парадокс: расман бизда мафкура йўқ, бироқ умуммуҳитнинг ҳар бурчида у қолдирган изларни кўриш мумкин эди... Шу ва ҳозир ҳисобга олиш назардан кўтарилган бошқа жиҳатлар, айтиш мумкин бўлса, одамларимиз тафаккуридаги фикрий турғунликнинг асл сабаблари сифатида бир-бирига ўрин бўшаётми келди.

Бизда ҳозир миллат, миллий давлат, миллият ҳақида гапирётганларнинг кўпчилиги енгил романтикага берилган ижодкорлар. Энг қалтис томони, гапирётган мавзуларимиз бизда ҳали тузук-қуруқ илмий жиҳатдан тадқиқ ҳам қилинмаган (ҳолбуки, дунё глобаллашган, маданиятлар қўришиб кетаётган, ахборотлашган учини минг йиллик бошланганга қариб чорак аср бўлаётир).

Масалан, глобаллашув мейёрлари билан қараганда, бугунги замонавий дунёда биз миллат деганда нимани тушунишимиз керак, миллий давлат бир этносга тегишли бўлиши керакми ёки турли этнослар йиғиндисига бўлган ватандошларнинг қандайдир ўйиндисими?

Мафкура, давлат расмий мафкураси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бизда бу борада аниқ қарашнинг ўзи йўқ. Бунинг сабаби эса мустақилликда кечган чорак асрлик даврда ҳам сиёсий маданиятнинг шаклланиганига, турроги, унга йўл берилмаганига бориб тақалади.

Ҳен эсимдан чиқмади. 90-йилларда шахар ижрокўмида ишлардим. Бир кун пойтахтга чет элдан делегация келадиган бўлди. Ўзбекилик, қолаверса, протокол деган нарсалар бор. Меҳмонларни қутиб олиш режаси ишлаб чиқилди. Уша режанинг оқватланиш бандида «нонушта швед столи тартибиде», деган жойи бор экан. Ташкилотчилар елган-югурган ҳолда ҳаммасини бадастир қилишган. Фақат битта «нондан ташқари».

Меҳмонлар келишига бир кун қолганда масъуллардан бири елкасини қисиб олдимга кирди: «Кудратилла ака, айтилган, протоколга кирган барча ишлар бўлди, фақат биттасини эплаётмида... Швед столи ҳеч қаерда йўқ, шахардаги, вилоятлардаги барча мебель дўконларини сурўштирдик, чехларники, голландларники, итальянларники бор, бироқ шведларники йўқ...»

Бу ҳангома мамлакатимизнинг олис қишлоғида эмас, пойтахтда, ўзини маданиятлик, зўли санайдиган одамлар орасида бўлаётганди. Бу даярли ўттиз йил олдинги гап. Ундан сўнг ўзгардикми?..

Биз нафақат сиёсий маданият, оддий ижтимоий ёки айтаётганимиз гострономик маданият ҳам шундай бўлиб қолдиб кетган эдик. Уйлайманки, ўша замоналардан сўнг ҳам бу борадаги «тарбия»миз ундан кўп пеш бўлган эмас.

— **Назаримда, жуда чуқурлашиб кетдик. Мен, аслида сиздан бугунги янгиланишлар, давлат структураси ва табиатидаги, фалсафасидаги ўзгаришлар ҳақида сўрашим, яъни саволларни аниқ мавзуларга**

**қаратишим керак эди. Масалан, Шавкат Мирзиёев даврга келиб, тарихга қаршимиз, миллий кимлигимизга эътибор, интеллектуал тамойилларга муносабатимиз ҳам ўзгараётгандай. Дейлик, «Учинчи Ренессанс» ғояси, пойтахтда халқимиз ўтмишини ўзида акслантириш ниқсад қилган «Янги Ўзбекистон боғи»нинг барпо этилиши, тарих ва тарихий шахсларга бўлган чекловларнинг олиниши (совет ҳукумати томонидан қораланган ва йўқ қилинган 115 нафар боболаримизнинг реабилитация қилиниши каби) менга қандайдир мафкура, расмий мафкура яратиш устида иш олиб борилаётгандек туюлаётми. Мен адашаётган бўлишим ҳам мумкинми?**

— Кимдир «Ҳар қандай тарихни инкор қилиш мумкин, бироқ барибир ўша инкор қилинган жойда ўзимиз ашашимизга тўғри келади», деб ёзганди. Юқоридаги мулоҳазаларга инкор ёки тўлиқ танқидий нуқтаи назар билан қарамаслигини ўзини илтимос қилардим. Бунга фан тилида таҳлил (анализи) дейишадими, шундай!

Таҳлил эса ҳар доим ҳам биз кутгандай ёқимли бўлиб чиқвермади. Мафкура, расмий мафкура ҳақида гапиршининг эса мураккаб томонлари бор. Яъниким, расмий тарздаги «айни тутумни биз мафкура, деб эълон қиламиз», деган гапни мен хали эшитмадим. Боз устига боя айтганимдай, Бош комсомимизда ҳам мафкурасиз «яшашимиз» белгилаб қўйилган?! Шундай бир вазиятда бу ҳақда жиддий мунозара қилиш мумкинми?

— **Лекин кўз ўнгимизда ўша жараён — ижтимоий-сиёсий мафкуралашув оидор бўлаётир-ку, бунга давлат нафақат йўл беряпти, балки ўзи байроқдорлик қилаётгани ҳақиқат-ку...**

— Сиз ҳақсиз. Аслида ўша «Янги Ўзбекистон боғи» ғояси ҳам, тарихини «оқ-қора» қўлмай борича ўрганиш ҳам, тарихий шахслар — шахид кетган, бизга мудом қора бўёқларда кўрсатиб келинаётган боболаримизни оқлаш ташаббуси ҳам шахсан Президентимиздан чиққанди. Бу бир жиҳатдан ўта муҳим эди: адолатни қарор топтириш, Шавкат Мирмоновнинг нафақат ишлаш принципи, балки борлиғи, шу эл-юртга муҳаббатни билан боғлиқ фактор эди.

Сиз ҳозир айтганган, мафкура қидириш ёки «ясаш» тамойилидан бу хийла чуқуроқ эди, менимча. Дейлик, ўтмиши, кимлиги, боболари тарихий олақуруқ бўлиб ётган миллатга ўзлигини кафта тутгандай кўрсатишга бел боғлаш моҳиятан ўта адолатли ҳамда шарафли қарор эди.

Тарихимиз ҳақида гапирганимиз бир жиҳатни ҳисобга олиш керакми, бизнинг тарихимиз бошқа ҳар қандай халқ, миллат ҳавас қиладиган ўтмишдир. Шонли мозийимиз, жўмард қаҳрамонларимиз бор. Нега энди бундан фахрланмаслик, уларни дунёга кўз-кўз қилмаслик керак?!

Ўрни келганда айтий, баъзилар «Бизда Мустақиллик майдони бор эди, яна битта шундай мажмуа бўладими?», деган чалқаш тасавурда юрган бўлишлари ҳам мумкин. Бу хато фикр. Айниқса, йилви нуқтаи назардан.

Тарихдан маълумки, Мустақиллик майдонини собиқ Ленин майдонини ўрнида пайдо бўлганди. Ҳатто унинг бадий ландшафтда — ифода услубида ҳам кескин миллийлаштирилган ва марказлашган тугал мафкура йўқ эди. Қолаверса, у мундарижа нуқтаи назардан ниқоятда чегараланганди. Аввалга ўша эски сула марказига Ўзбекистон сўзи ёзилган Ер шарининг нуқсаси ўрнатилди. Бу моҳиятан дунёда шундай бир янги давлат пайдо бўлганини англатарди. Қолаверса, камтарона ва сезиларли ҳадик яраша бизнинг озодлигимизни англатишга йўналтирилган, умумий маънода айтганда, бизнинг мустақиллик зулмидан озод бўлганимиз шарафига бунёд этилгандек эди, назаримда. Лекин



# МУСТАБИДЛИГИ — ҚУЛЛИКДАН АЯНЧЛИРОҚДИР

## Кудратилла Рафиқов билан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Ҳусан Эрматов суҳбати

минглаб йиллик тарихга эга буюк миллатимиз фақат қарамликда яшаган эмас, балки унинг юқоридида айтганимиздек, дунё халқлари ҳавас қиладиган шонли ўтмиши, ўлмас қаҳрамонлари, улар кўрсатган мислсиз жасоратлар, буюк ва бе- тимсол маданияти бор.

Менинг тушунишимча, «Янги Ўзбекистон боғи» гоёсининг пайдо бўлишига айни шу омиллар туртки берди. Унинг очилиш маросимида сўзла- ган нутқда Президентимиз «Маълумки, эл-юр- тимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча- қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, қожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ватанимиз ҳуду- дида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузу- ми, ҳар қандай ижтимоий жараён — у галаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўла- дими — барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур», де- ганларида айни шу ҳақиқатни назарда тутган эди- лар, десак, адашмаймиз.

— Таъбир жоиз бўлса, ушбу мажмуа — унинг бадиий-мафкуравий ечими, унга юқлатилган гоё ва маз- мун-моҳият ҳам хийла чуқурроқдай. Яъни унинг глобал «мундарижаси» биз бугун Ватан деган жўроғий-сийсий ва фалсафий кенгликлардан чўнроқ қамровни ўз ичига олаётган- дай. Масалан, минтақанинг бугунги кўриниши ва умумтарихини ҳисоб- га олганда...

— Назаримда, сиз эътиборни минтақанинг ўтмиши ва бугунига қаратаётгандай...

— Менга нимагадир умумтарихга эга беш мустақил мамлакатнинг тур- ли таъсирлар оқибатида бу ҳақиқат- дан «сақраб» ўтаётгани минтақанинг бугунги умумкунни йўқлигининг асосий сабабларидан биридай туюлаверади. Аслида биз бир то- мирга эга чинор эканлигимизни теран англамас, барча масалаларда яқдил- лигимиз мустаҳкамланмайдими?

— Ҳа, минтақадаги беш мамлакатни тарих, маданият, дин, анъаналар ва ижтимоий-сиёсий ривожланишдаги баъзи умумий жиҳатлар боғлаб туради. Бироқ экспертлар фикрича, бугунга кел- либ, сиз тўғри эътироф этаётганингиздай, Мар- казий Осиёнинг турли мамлакатларида тарих- нинг турлича, баъзан бир-бирига зид талқинла- ри мавжуд. Чамамда буни, энг аввало, узоқ йил- лар қўшилган ўртасидаги совуқчилик, гина-қуд- рат ва тушуновчиликлар билан ҳам боғлиқ, дейиш мумкин. Самимий мулоқотнинг йўқлиги, ўзаро ишончсизлик жамиятларини қам, сиёсий эли- тани ҳам теъзор ва мустақил қарорлар қабул қилишга мажбур этган бўлиши мумкин. Яъни ҳамма ўз кунига, дегандай. Қолаверса, умумий ҳамкорлик, яқдил қараш шакланмаган шароит- да ҳам нимадир қилиш, яшаш керак-ку, ахир. Эҳтимол, шу боис минтақа давлатлари сиёсий ва илмий жамоатчилигида экспертлар хавотир олаётган тарихи, тарихий меросни «монопол» қилиш, миллий гоёларга бурқаш, қўпол қилиб айтганда, тўқиб-бичиш ҳолатлари кузатилади.

Аммо бугун Марказий Осиёдаги муҳит бата- мом ўзгарди. Эсингизда бўлса, 2017 йилда азим Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиё: ягона тар- их ва умумий келахак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» деб аталган халқаро форум бўлиб ўтди.

Марказий Осиё мамлакатлари таъки ишлар вазирилари, Россия, Хитой, АҚШ, Европа мамла- катлари, Япония, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистондан ташриф буюрган юқори

мартабали меҳмонлар, Мустақил Давлатлар Ҳам- дўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европа- да хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу анжуманинг номланиши- нинг ўзи энди минтақада янги «кун тартиби» амал- га киритилаётганини аниқлгандай эди.

Унда нутқ сўзлаган мазкур йиғилиш ташаб- бускори, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, жумладан, шундай деган эди: «...Биз- нинг минтақамиз халқларини минг йиллик қар- дошлик ва яхши қўшничилик ривожланиш боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради...»

— Умуман олганда, ушбу майдон гоёвий жиҳатдан яна ўша, сиз ҳозир тилга олган «ижтимоий монополи- лик»ни такрорламайдими, яъни биз бутун минтақанинг тарихий ме- росига даъво қилгандай бўлиб қолмаймизми?

— Йўқ, бу — жуда тор қараш. Менинг англа- шимча, бу мажмуа атрофидаги гоё сиз айтаёт- гандан, қолаверса, илмий жамоатчилигимиз, ОАВ чала-чўлла шарҳлаганидан ҳам хийла чуқурроқ.

Президент бу гоё билан нимани назарда тут- ди, нималарни мўлжал қилди, бизда хали чуқур тадқиқ этилмади. Бирпас юзакни ура-ура қилин- дин сўнди. Таомом. Аслида, бу гоёнинг мақсад- мудаоси чуқур шарҳланиши, одамларимизга ту- шунтирилиши керак эди. Афсуски, ундай бўлмади. Буни қилиши керак бўлган ижтимоий институтла- римиз аҳоли ва фаолларни автобусга ўтқазиб олиб бориб, боғни зиёрат қилдириш билан чекланишди.

Майли, бу ишларга қозилик қилиш менинг ваколатимда эмас. Бироқ одамни асабийлашти- радиган жиҳат шундаки, Президент бошлаган иш- лар, ўртага олиб чиққан гоёлар жамиятга ет- ка- зилиши керак. Негадир бизда ундай эмас.

Аслида, дунё таърибасидан маълумки, Президентнинг фаолиятини, сиёсатини жамиятга синдирувчи турли институтлар фаолият юрита- ди. У ерларда жуда катта интеллектлар, малака- ли мутахассислар ва стратеглар ишлашади. Улар Президент ўртага ташлаётган гоёларда нима назарда тутилгани, матбуот анжуманларидаги чиққишлари ва мақолаларида, интервью ва катта анжуманлардаги маърузаларини шарҳлаб бори- шади. Бунинг яхши томони, жамият Президентни қарашларини, давлат сиёсатининг йўналиш- ларини тушуниб олади.

Бизда эса бу борада бўшлиқ кўзга аниқ кўри- ниб қолаётир. Агар ҳозир назарда тутатгани- миз ижтимоий институтлар, айниқса, матбуот бу- гун кечаётган ислохотларни малакали шарҳлаб бера олганда эди, мен ўйлайманки, муваффа- қиятларимиз бундан да салмоқлироқ бўлар эди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўша кунлари берган интервьюларида ҳам, маърузаларида ҳам бир неча бор қатъий таъкидладики, бизнинг ўлми- шимиз уч ярим минг йиллик тарихини ўз ичига олади. Бу тарих учун ҳам нияҳатда катта давр. Айтилаётган вақт мезонларида бу тўпроқда не- не буюк салтанатлар, давлатлар, маданияту та- маддунлар бунёд бўлмаган. Мазкур майдон ўша мезийни ўзида акс эттириши мақсад қилинган.

Масалая биз шавма қилаётган тушунча — минтақанинг бугунги кўриниши нуктаи назардан қарасак, албатта, у турли стереотипларни кўзга- сиш мумкин. Аммо бу ўринда, Марказий Осиё деб аталаётган жўроғий ҳудуд бугунги кўри- нишига бундан нари борса юз йил олдин эга бўлганини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ва яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун- ги Ўзбекистон, жумладан, ўзбек халқи Марказий Осиё тамаддунининг, маданиятининг, тарихининг марказида яшаб келган ва бу тамаддунни, бу тарихни азалдан шу ерда яшаб келаётган халқ- лар биргаликда яратган, инчунин, ушбу майдон нафақат биз — ўзбекларнинг, балки барча қар- дош ва ёндош халқларнинг ҳам тарихини эсла- тиб, ғурурлантириб турадиган Бош, Марказий май-

дони бўлишига шубҳа йўқ ва масалая шундай ёндашсак, шундай изоҳ берсак, тўғри бўлади.

Шунинг учун ҳам «Янги Ўзбекистон боғи» бу фақат тор доирада тушуниладиган бир миллат учун эмас, балки шу ҳудудни азалий Ватан деб билган барча халқларнинг тарихини, яшаш тар- зини, миллий руҳини жамлаган, бирлаштирган майдон деб тушуноқ керак бўлади.

Ўзбекистон азалдан шу ҳудудда яшаган бар- ча халқларнинг, элатларнинг тарихини, мадания- тини ўзида марказлаштирган, бирлаштирган, ўзида сингдирган экан, майдон ана шу тарих- нинг кичик бир мўжассами, тимсоли сифатида тарихимизга қиради. Зотан, ўзбек тили ҳам, ўзбек этноси ҳам туркий халқлардаги энг катта бўгин бўлган қипчоқ, ўғуз, қарлуқ-чигил эт- носини, шунингдек, орий, сўғд, тожик, мўғул этноси хусусиятларини ўзида бирлашти- ришини бугунги фан аллақачон исботлаб бўлган. Буни тилшунослик, тарих фани ҳам исботламоқда. Масалая шундай қаралса, шундай ёндашилса, юқоридида сиз айтган- ган мулоҳазага ўрин қолмайди. Чунки Президентимизнинг ижод маҳсули бўлган ушбу мажмуадан жой олган тарих моҳиятан — Марказий Осиё халқлари бирлашган та- рихидир, бу ерда акс этган озодлик, Ватан учун курашлар уларнинг озодлик йўлидаги биргаликдаги курашларидир...

Албатта, ушбу мулоҳазалар мутлақо шайсий, буни бир ватандошнинг ушбу маса- ладаги ички туйғуларини сифатида ҳам қабул қилишингиз мумкин.

Энди юқоридикида асосий саволингиз — мафкура, расмий мафкура яратишга уриниш- лар, дедингиз, адашмайсанми?..

— Ҳа, мен «Учинчи Ренессанс» гоёси, кейин кечаги тарихини, тари- хий шахсларни оқлаш масаласи қан- дайдир маънода ўзликни англаш, таниб олиш йўлидаги жиддий ҳара- катлар эмасми, пировардида бу мафкура яратишга уриниш эмасми- кин, деб сўрамоқчи эдим...

— Мен мафкура тўғрисидаги қарашимни юқоридида айтдим. «Учинчи Ренессанс» гоёсига келсак, бу давлатнинг, жамиятнинг янгилашуви билан боғлиқ, Давлат ўзининг кўп жабҳалар, илм- фан, технологиялар соҳасида дунёдан ортада қолиб қетганини тан олди ва олдиндаги уни беркитиб ўттирмади. Илм-фанни ривожланишининг асосий «драйвер»ларидан бири, деб эълон қилди. Ал- батта, олдин ҳам таълим тизими ҳақида кўп яхши гаплар бўларди. Бироқ у назарий ёки элитар ваъз сифатида минбарларда қолиб кетарди.

Бугун ўша истак амалиётга қўчди: мактаб- ларимизда, олий таълим даргоҳларимизда дунё- нинг энг ривожланган илм даргоҳларида ишлаб чиқилган дастурлар жорий қилинаётир, минглаб мутахассислар фарзандларимизга сабоқ бераёт- ир, хорижнинг ўнлаб нуфузли институт ва уни- верситетларининг филиаллари очилаётир ва бу- лар атиги шу беш йилнинг ичидида ўзининг «ово- зини» бера бошлади.

Назаримда, ушбу гоё сиз назарда тутатган ўша мафкура(?)га яқинроқ, унинг бир тилими, дейиш мумкин. Яъни давлат модерн жамият ун- сурлари, хусусан, илм-фан ва таълимга кўпроқ ургу бериш, глобал дунё билан интеграцияла- шувда «халқ»дан тушиб қолмаслиқни, мухтасар айтганда, чин маънода Янги Ўзбекистонни яратишни расмий тарзда ифода этди. Бу мундари- жида кўп гапирётганимиз, тарихга бўлган бугун- ги муносабатларимизни ҳам тиркашимиз мум- кин. Зотан, айни бугунга келиб тарихимизнинг кўздан пана жойлари «очилаётир».

Ўрни келганда шуни очик айтишим керакки, айни ушбу ҳаракат бизнинг яқин тарихимизда тафаккурдаги мустамақкачиликдан озод бўлиш йўлидаги энг катта қадам бўлди. Бунга биргина мисол сифатида совет ҳукумати томонидан қатагон қилинган 115 нафар аждодимизнинг яқин-

да реабилитация қилинганини келтириш мумкин. Холбуки, совет зулмидан қутулганимизга, мустақил бўлганимизга чорак асрдан ошганди. Жуда галати ҳолат: биз мустақил бўлдик дей- миз, байрам қиламиз, бироқ бизни узоқ йиллар мустабилликда ушлаб турган кучларга қарши ўз вақтида мардонавор курашиб, шахид кетган бо- боларимизни тан олмаймиз, ҳадиксираймиз, «босмачи», «босмачилик ҳаракати» деймиз, хо- лис сиёсий баҳо беришдан қўрқамиз.

Бу мантисизликми, йўқми? Қолаверса, қайси адолат мезонига тўғри келади бу? «Босмачилик» деб аталувчи мавзу Ўрта Осиёнинг янги тарихи- ни ўрганиш ва идрок қилиш нуктаи назаридан

90-йилларнинг ўрталарига келиб, давлат барча соҳалар устидан назоратни ўз зиммасига олди: энди у бош ислохотчига айланди. Менинг назаримда, шу йиллардан бошлаб бизда ўзаги соқконсерватизмдан ташкил топган, агар шундай аташ мумкин бўлса, ҳам шаклан, ҳам мазмунан неоконсерватизм контекстига «ётувчи» тизим шакллана бошлади. У ўтмишдошлардан бошқарув иерархиясини сиёсий мерос қилиб олди. Ва бу билан у айни англам нуктаи назаридан, консерватизм бизнинг мафкурамиз, дегандай ҳам бўлди.

энг мураккаб мавзулардан биридир. Унинг муаммолиги ўта мафкуралаштирилгани ва мифлаштирилгани билан боғлиқдир.

Шўролар даврида ушбу советларга қарши кўзголичлик ҳаракати расмий ҳужжатларда ва илмий ишларда, китобларда ва кинофильмларда фақат реакция ва ҳатто босқинчилар тўдаси сифатида тавсифланди ва тавсифланди. СССР та- наззулга ўз тутгандан сўнг Россияда инқилобдан сўнгги фуқаролар уруши ва Оқ армияга вазмин муносабат шаклланишига қарамай, «босмачи- лик»га нисбатан ушбу ёрлик сакланиб қолгани етмагандай, унга «русларга қарши», «Россияга қарши» ва «исломий» деган ёрликлар қўшилди.

Ўрта Осиё давлатлари қисман ўзлаштириб ол- ган советшунослик аънасида ушбу ҳаракат кўпичина миллий озодлик ҳаракати деб тавсиф- ланди, тавсифланмоқда, аммо шуни ҳам қайд- этиш лозимки, замонавий сиёсатчилар ва тарих- чилар ушбу мавзуга эҳтиёткорлик билан ёндаш- моқда ва «босмачилик»ни фақат мақташдан қоч- моқда, деб ёзади россиялик олим, тарих фан- лари доктори, этнолог ва антрополог Сергей Абашин бир мақолада.

Дарҳақиқат, минтақада, бизнинг жамиятда ҳам яқин тарихимизнинг ўта «озоник» ушбу жиҳати ҳақида гапириб, айниқса, унга сиёсий баҳо бе- риш масаласи шунча йилдан буён орта ташлаб келинаётгандай. Президент Мирзиёев томонидан ташланган дадил қадам, узи-қесил қабул қилин- ган адолатли қарор эса бизга ҳам милаят қуриш, ҳам миллий давлат барпо этиш йўлида ҳаракат бошланганини аниқлотади. Нимага десангиз, ис- тиклолга эришганимиздан кейин ҳам биз узоқ йиллар иккиликлик келганимиз — кимлик (иден- титет) масаласини аниқлаштириб олишда хала- қит қилаётган мустақил (колониал)лик зулмининг тафаккурдаги асоратларидан халос бўлишга, уни қўрқмай инкор этишга ўзимизда куч топа олдик.

Бу — моҳиятан жуда катта галаба. Қиёсан ҳисоблаганда, иқтисодий-сиёсий мус- тақилликдан асло ҳам эмас. Зотан, манкурт- лик — қалб ва тафаккур қуллиги жисмоний қул- ликдан аянчлироқдир.

— Сиз ҳозир «Янги Ўзбекистон боғи» ҳақидаги мулоҳазаларингизда мажмуа мазмунан минтақа тарихи-

ни ўзида акс эттиради, дедингиз. Бу қайсидир маънода минтақа халқларини маданий жиҳатдан жиқслаштириши, ҳеч бўлмаса, «яго- на тарих» тушунчасига яқинлашти- риши мумкинми, шундай ўйласак, тўғри бўладими?

— Эсингизда бўлса, совет даврида биз яшаётган ҳудуд Ўрта Осиё ва Қозоғистон, деб аталарди. Бу — аслида, советча геосиёсий концепция эди. Яъни этник келиб чиқиши, мада- нияти, тарихи, дини бир бўлган Қозоғистон ми- нтақадан айро кўрсатилиши коммунистик мафку- рага зид бўлган «умумий бирлик» (Туркистон бир- лиги гоёси) ўртасига парда солиб туриши билан ниҳоятда аҳамиятли эди.

Шунинг учун ҳам иттифоқ таназзулга юз ту- ган 1991 йилда аввал Ашхобода, кейин эса Тош- кентда қўшни давлат раҳбарлари учрашиб, ми- нтақани бундан кейин Марказий Осиё деб аташга келишиб олишганди. Зикр этилган ҳолат минтақа давлатлари сиёсий элитасида ҳам, жамият ичиди ҳам бунга зарурат борлигини исботлайди.

Ҳатто ўша йиллари иқтисодий ҳамжамият тусидаги тузилма ҳам пайдо бўлганди. Бироқ орадан кўп фурсат ўтмай, муносабатлар совиди, тўнлар тескари «кийилди». Ундан кейинги жараёнларни гапирмасам ҳам ўзингиз яхши биласиз.

Шавкат Мирононович мамлакат раҳбарлиги- га келган эса «қилим» илмий бошлади: қўшчилар ўртасидаги муносабатлар барча жабҳада янги босқинга кўтарилди.

Аслини олганда, минтақада умумий кимлик — идентитетни аниқлаш, ушбу мамлакатларда яшаётган одамлар ўзига қандай таъриф бераёт-

гани ва кимлигини нималарга асосланиб айтаётгани жуда муҳим.

Шу маънода айтганда, бугун нафақат иқтисо- дий-сиёсий, балки маданий-гуманитар соҳалар- да кечаётган яқинлашув минг йиллардан буён қўшни яшаб келаётган халқларнинг бир-бири- ни тушуниши, баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишида муҳим роль ўйнайди. Айниқса, «Янги Ўзбекистон боғи» каби кенг қамровли (гло- бал) лойиҳалар ўз самимиёти ва ҳаққонийлиги билан минтақа халқлари эътиборини бир нуктага жамлаши билан ниҳоятда аҳамиятли бўлиши мум- кин. Бундай йирик гоёлар биз учун бугун ниҳоят- да зарур. Зотан, бугунги замоннинг ўзи биздан бирликни, яқдилликни тақозо этаётир.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, дунё сиёсатида «қутбчилик» ва «совуқ уруш» барҳам топганига айна бўлди. Бироқ узоқ давом этган аширин нафрат ва адоваат, эски хафгарчиликлар, домангирликлар моҳиятан ўчиб кетгани йўқ. Дунёмиз тўлға- ма бўлиб турибди.

«Глобализм» деб аталган умумридо ост- тиди бугунги дунё манзаралари ҳамиса ҳам биз ўйлаган ва кутгандай эмас. Ҳаддан зиёд глобаллашув хавфи экани ҳақидаги, унинг илмий ва ҳаётий талқин- ларини ўзида жамлаган жиддий мақола- ларга кунда-кунора қўзимиз тушмоқда. Бу- нинг таъсири — кичик давлатлар ва мил- латларни майиб қилар даражадаги юмшоқ экспансиясини геосиёсатда ҳам, геоекти- содиётда ҳам ва энг ёмони, номоддий бўлиб — санъат ва маданият, қадрият- ларга хуружда ҳам жамиятлар аниқ ҳис қила бошлади («оммавий маданият»)...

Масалая шу нуктаи назардан қарасак, бугун Президентимиз минтақада олиб бораётган сиё- сат хоҳ у ижтимоий-сиёсий бўлсин, хоҳ иқтисо- дий, қўшчилар ўртасида дўстлик ва яқин қўшни- чликни равнақ топтиришга қаратилгани билан юксак эътирофларга сазовор бўлаётир. Масал- ан, Буюк Британиянинг Сент-Эндрюс универси- тети катта ўқитувчиси, доктор Филиппо Коста Буранелли (2021. Central Asian Analytical Network) бир мақолада минтақадаги бугунги жараён- ларга баҳо бериб, шундай дейди: «...Шу маъно- да, айрим мамлакатлар бошқаларига қараганда яхшироқ ишламоқда. Масалан, агар мендан қайси мамлакат минтақадаги маърузачилик муаммолари- ни ҳал этишга кўпроқ ҳисса қўяпти, деб сўра- сангиз, Ўзбекистон деб жавоб берган бўлар эдим. Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари Ўзбекистонни яқин қўшни мамлакат деб билади. Туркманiston лойиҳалар ва тобора кенгайиб бо- раётган минтақавий мулоқотга жалб этилмоқда. Қозоғистон минтақадаги дўстона муносабатлар- ни умуман қўллаб-қувватламоқда...»

Албатта, дунё таниган олим бизга ёқиб эки манфаат учун бу гапларни айтган эмас. Қола- верса, бунга зарурат ҳам йўқ. Бугун минтақа- мида амалга оширилаётган ишлар, бугун қўшни- члик ва биродарлик ришталарининг қайта мус- таҳкамланаётганини ҳамма кўриб турибди.

Мен шундай тушунамани, халқларимизни уму- мий тарих, муштарак маданият, қадриятлар му- дом кўринмас иплар билан бир-бирига боғлаб келади. Энди уни янада мустаҳкамлаш, унинг ривожига илҳом бериш барча давлатлар олдиди- га муҳим вазифа бўлиши мумкин. Ўзбекистон юрифтаган бугунги сиёсат эса бу борада муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Зотан, юқоридида келтирганимиздек, нафақат мамлакатимиз, балки ўзбек халқи ҳам Марказий Осиё тамаддунининг, маданиятининг, тарихининг марказида яшаб келгани билан алоҳида аҳами- ятга эга.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

(«Ishonch» газетасининг 2021 йил, 9 ноябрь сонидан олинди).

